*Тадбиркорлик*

# БИНОКОРЛИКДА АСҚОТАДИ

**_Хориждан келтирилаётган турли хилдаги қурилиш материалларни кўрган айрим харидорлар «Бу маҳсулотни ўзимизда ҳам ишлаб чиқарса бўлади-ку», деб қўйишади. Бу орзуни ҳозир кўплаб ишбилармонлар амалда исботлашга бел боғладилар. Масалан, Сергели туманидаги «Ли-Кан» хусусий корхонаси айнан қурилишда асқотадиган плиталарни ишлаб чиқаришни ўз олдига мақсад қилиб қўйди. Айни шу кунларда кичик корхонанинг дастлабки маҳсулотлари ўз харидорини кутмоқда._**

**_Биз хусусий корхона раҳбари Эльза Кан билан шу ҳақда суҳбатлашдик._**



**— Эльза Геннадьевна, шундай плиталарни ишлаб чиқаришга сизларни нима мажбур этди?**

— Бу режа менда бундан икки-уч йил аввал туғилган эди. Асли мутахассислигим қурувчилик. Абу Райҳон Беруний номидаги политехника институтининг қурилиш факультетида таҳсил олганман. Ўқишдан сўнг лойиҳалаштириш институтида ишладим. Тадбиркорлик билан шуғулланиш осон бўлмасада, шунинг ҳаракатига тушдим. 1996 йилда ака-укаларим, турмуш ўртоғим билан мана шу кичик корхонани очишга ва бу ерда айнан қурилиш материаллари ишлаб чиқаришга эришдим. Давлат мулк қўмитасининг Тошкент шаҳар бўлими ҳамда Сергели тумани товар ишлаб чиқарувчилар ва тадбиркорлар палатаси менга яқиндан ёрдам беришди.

**— Ишлаб чиқараётган плиталарингиз учун қаерлардан хом ашё олаяпсиз?**

— Дастлабки ишлаб чиқарилган маҳсулотимизнинг намуна нусхаси учун бошқа давлатлардан келтирилган хом ашёлардан фойдаландик. Хусусан, «Фиқор» фирмаси ҳамкорлигида маҳсулот тайёрладик. Ҳозирги кунда мустақил иш юритяпмиз. Бизга зарур бўлган магнизиал кукуни ва цементни маҳаллий бирлашмалардан олаяпмиз. Айнан мана шу магнизиал кукунини ўрнини босадиган доломит хом ашёси яқинда топилди. У юртимизнинг тоғли вилоятларида мавжуд экан. Яна плитага қўшиладиган бишифит моддаси ҳам ўзимизда етиштирилмоқда. Агар мана шу барча хом ашёлар ўз вақтида келтирилиб, ишлаб чиқаришда ундан фойдаланилса, хориждан келтирилаётган қурилиш плиталаридан сифати янада яхшироқ ҳамда нархи анчагина арзонроқ маҳсулот ишлаб чиқаришимизга тўлиқ кафолат бера оламан.



**— Ҳозир бир кунда қанча маҳсулот чиқараяпсизлар?**

— Имкониятимизни кенгайтириш умидимиз бор. Лекин сал кейинроқ. Чунки дастгоҳларимиз кичик ҳажмда. Шундай бўлсада бир кунда 20 квадрат метрдан 100 квадрат метргача плита ишлаб чиқаришга имконимиз етади. Агар икки сменада ишласак унда 150 квадрат метр плита ишлаб чиқара оламиз. Энг асосийси, маҳсулот хорижликларникидан арзон, сифатига тўлиқ кафолат бера оламиз. Плиталарнинг бўйи 150 сантиметр, эни 50 сантиметрдан иборатдир. Улар бир неча хилда, турли рангдан таркиб топган. Буюртма асосида ҳам қурилиш плиталарини тайёрлаб бериш имкониятимиз бор.

*Гулзода АБДУЛЛА қизи.*

*СУРАТЛАРДА: уста Сергей Чертогов фирма раҳбари Эльза Кан билан тайёр плитани кўздан кечирмоқда; чапда ишчи Мирзоҳид Ризаметов тасвирга олинган. У хом плиталарни юқори ҳароратли печларда пиширмоқда.*

*Рустам Шарипов олган суратлар.*

---

**_Ўзбекистон Республикаси прокуратурасида савдо, молия ва тадбиркорлик соҳаларидаги қонунларни қўллашга доир фаолият масалаларига бағишлаб ўтказилган ҳуқуқ-тартибот идораларининг мувофиқлаштирувчи кенгаши мажлисида ушбу масала жиддий қилиб қўйилди. Биз билан суҳбатда «Ўзбексавдо» давлат акционерлик уюшмаси раиси ўринбосари Собит Хўжаберганов қуйидагиларни гапириб берди._**

*Долзарб мавзу*

# САВДОДА ҲАЛОЛЛИК ЗАРУР

— «Кичик хусусийлаштириш» ўтказилган 1992 йилдан бошлаб савдода туб ўзгаришлар рўй бермоқда. «Ўзбексавдо» уюшмаси 1993 йилда Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланган мулкчиликнинг турли шаклидаги савдо корхоналари ишига оид қоидаларни барча савдо ташкилотларига етказиб берган. Лекин, афсуски, мулкчилик шакли ўзгаргани билан савдода харидорлар ҳақига хиёнат қилиш каби шармандали ҳоллар давом этаётганлигини айтишга мажбурмиз. Давлат солиқ қўмитаси маълумотларига кўра 1996 йил давомида 6761 та савдо ва умумий овқатланиш корхоналарида текшириш ўтказилиб, уларнинг 3075 тасида турли қоидабузарликлар аниқланган. Бошқача қилиб айтганда, бу ҳар иккита савдо корхонасининг биттасида камчилик бор, демакдир.

Бунинг асосий сабабларидан бири халқ истеъмол моллари ишлаб чиқариш, савдо ва хизмат кўрсатиш соҳасида тадбиркорлик, хусусий бизнес ва тижорат ишларини мувофиқлаштириш ҳамда қўллаб-қувватлаш бўйича ҳокимликларда тузилган бўлимлар воситачи, тижорат, хусусий савдо корхоналарини талаб даражасида назорат қилмаётганлигидир. Таасуфлар бўлсинки ҳалигача амалда савдо корхоналари ўртасида бирор соғлом рақобат йўқ. Хусусийлаштирилган савдо корхоналари эгалари аҳолига ҳалол хизмат қилиш, шу орқали кўпроқ мол сотиш, демак кўпроқ даромад олишга рағбат сезмаяптилар. Аксинча, ишлатиш муддати ўтиб кетган, сохта, яъни «усти ялтироқ, ичи қалтироқ» моллар пештахталарга чиқиб кетяпти, харидорни алдаш, тарозидан уриш ҳоллари давом этяпти. Бошқача қилиб айтганда истеъмолчи ҳақ-ҳуқуқини ҳимоя қилиш тўғрисидаги қонунга амал қилинмаяпти. Хусусий дўконлар эгалари ўз шаънларига доғ туширтирмаслик, савдо корхоналари шон-шуҳратини ошириш ҳақида ўйламаяптилар.

Ана шу нуқсон ва камчиликларни бартараф этиш чора-тадбирлари кўрила бошланди. Маълумки, Молия вазирлиги ҳузурида монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш қўмитаси ташкил этилган. Бу қўмита таркибида истеъмолчиларнинг ҳуқуқини ҳимоя қилиш бошқармаси ҳам тузилди. «Ўзбексавдо» ҳозирги вақтда мулкчилик шаклидан қатъий назар барча учун мажбурий бўлган ягона савдо қоидаларини ишлаб чиққан. Улар ҳукумат томонидан тасдиқлангандан сўнг, савдо ташкилотлари учун қатъий ҳуқуқий ҳужжат бўлиб қолади. Биз ҳам тегишли идоралар билан биргаликда назоратни кучайтириб, савдода ҳалоллик асосий мезон бўлиши учун изчил кураш олиб борамиз.

*Комилжон ТОШМИРЗАЕВ ёзиб олди.*

---

*Пай*

# ФОЙДА ЎРНИГА ЖАРИМАГА

«Тошкентуйжойинвестқурилиш» корпорациясига қарашли 43 та ташкилот мавжуд. Шундан 33 таси ҳиссадорлик жамиятига айланган. Улардан 3 таси жамоа, 6 таси давлат корхонаси саналади. Биттагина ташкилот уй-жой қурилиш ширкати таркибида иш юритмоқда. Ўтган йил кўрсаткичларига назар ташлайдиган бўлсак бунёдкорлик ишларининг ўсиш суръати 109,4 фоизни ташкил этган. Бу яхши, албатта.

Аммо текширишлардан айрим ҳиссадорлик жамиятларида 1996 йилда чиқарилган биринчи эмиссиядаги қимматли қоғозлар ҳалигача ўз эгасига топширилмаган. Шунингдек чиқарилган қимматли қоғозлар «ВАҚТ» депозитарийсида сақлаш учун рўйхатга қўйилмаганлиги натижасида ким ошди савдоларида қурилиш ташкилотлари акциялари эгаларини топмаяпти.

Корпорациянинг 7 та ҳиссадорлик жамиятидаги текшириш жараёнида ҳиссадорларнинг рўйхатга олиниши ва вақти кўрсатилмаганлиги, умумий мажлислар ўтказилмагани каби нуқсонлар очилди. Шунинг оқибатида текшириш қарорига мувофиқ «1-Тошкент уй-жой қурилиш комбинати» ҳиссадорлик жамияти 42 минг, «Нерудник» ҳиссадорлик жамияти 462 минг, «Ҳажмли тайёр блоклар тажриба уйсозлик комбинати» ҳиссадорлик жамияти 420 минг, «12-трест» ҳиссадорлик жамияти 38,5 минг сўм ҳажмида жарима тўлади. Агарда бу камчиликларга йўл қўйилмаганда эди жаримага тўланган бу пуллар ҳиссадорлар фойдасига, яъни қимматли қоғозларнинг дивидендларига сарфланган бўларди.

Давлат мулк қўмитасининг қимматли қоғозлар бозори фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш марказининг «Тошкентуйжойинвестқурилиш» корпорацияси билан ҳамкорликда ўтказган семинарида иштирок этган мутасаддилар йўл қўйилаётган бу камчилик ва хатоликларнинг олдини олишга алоҳида эътиборни қаратдилар. Семинар иштирокчиларига қимматли қоғозларни ҳиссадорларга тарқатиш, уларни «ВАҚТ» депозитарийсида сақлашнинг моҳияти ҳақида батафсил тушунтиришлар бердилар. Аудитор текшириш, дивидендларни ўз вақтида тарқатиш, олинаётган фойдадан ишлаб чиқаришда унумли фойдаланиш имкониятлари ҳақида маслаҳатлар берилди.

*Гулзода МАМБЕТОВА.*

---

**_Маълумотларга қараганда, бугунги кунда Англияда энг катта сармояга эга тадбиркор озиқ-овқат ишлаб чиқарадиган фирмалар маҳсулотлари учун турли идишлар, қоғоз, картон қутилар тайёрлайдиган корхона раҳбари экан. Бу дегани, Англияда ҳозирда ана шундай маҳсулотларга бўлган талаб катта. Лекин худди шундай фаолият билан ҳар қандай давлатда шуғулланиш ҳам кўп даромад келтиравермайди, чунки ҳар бир мамлакатнинг иқтисодий талаблари бир-биридан фарқ қилади. Қолаверса, ҳеч қачон бир соҳа доимо сердаромад бўлиб турмайди. Шундай экан, бугунги кунда юртимизда қайси соҳа сердаромад ва кейинчалик унинг ўрнини қайси соҳа эгаллаши мумкин? Ана шу савол билан турли ёшдаги ҳамшаҳарларимизга мурожаат қилдик. Қуйида жавобларнинг айримларини келтиряпмиз._**

*Мушоҳада*

# ҚАЙСИ СОҲА СЕРДАРОМАД?

**Ҳабибулло Убайдуллаев, 52 ёшда.**

— Деҳқончилик. У доимий сердаромад соҳа. Биринчидан, инсон доимо ер билан тирик. Иккинчидан, бу иш кўп сарф-харажат талаб этмайди, ҳаммаси табиатнинг ўзида муҳайё.

**Ёқубжон Солиев, 39 ёш.**

— Қурилиш. Чунки шаҳримиз аҳолиси тобора кўпайиб бормоқда. Табиийки, бунда уй-жойга бўлган талаб ҳам ортади. Талаб қанчалик юқори бўлса, даромад ҳам шунчалик юксак бўлади.

**Султон Бўрибоев, 40 ёш.**

— Ҳозир савдо. Кейинчалик унинг ўрнига ишлаб чиқариш ўтса керак. Чунки ишлаб чиқариш ривожисиз бойлик кўпаймайди.

**Ўрмонжон Шарипов, 45 ёш.**

— Озиқ-овқат. Чунки одам овқатсиз яшолмайди, бу унинг кундалик талаби. Кейинчалик ҳам бу соҳа кўп фойда келтирадиган бўлиб қолади.

**Эркин Азизов, 40 ёш.**

— Савдо, айниқса озиқ-овқатлар савдоси. Чунки савдода барака кўп. У доимо сердаромад.

**Некпўлат Элмуродов, 61 ёш.**

— Аниқ бир касбни айтиш қийин. Менимча инсон қайси касб эгаси бўлишидан қатъи назар ўз ишига сидқидилдан ёндошса, меҳнатсевар, тадбиркор бўлса, яхшигина даромад қилиши аниқ.

**Ойхон Жўрабоева, 30 ёш.**

— Савдо. Бу соҳанинг даромад борасидаги устунлиги ҳали-вери пасаймаса керак.

**Аҳмад Эшмуродов, 43 ёш.**

— Ҳозирча савдо. Лекин бу узоққа бормаса керак. Эртага ҳар ким ўз қобилиятига яраша даромад қиладиган бўлади. Чунки савдо-сотиқ билан шуғулланиш учун одамда алоҳида иқтидор бўлиши шарт эмас.

**Фарҳод Аҳмедов, 18 ёш.**

— Савдо. Кейинчалик билмадим.

**Эльмира Турдиметова, 28 ёш.**

— Савдо. Эртага нима бўлишини айтиш қийин.

Сўровда умумий ҳисобда ўттиздан ортиқ одамнинг фикри ўрганилди. Юқорида уларнинг ёшини бежиз келтирмадик. Бу омил сўралганларнинг уч гуруҳга бўлинишини кўрсатди. Биринчи гуруҳдагилар 18 ёшдан 30 ёшгача бўлиб, улар ҳозирда сердаромад соҳа савдо эканини эътироф этишдию эртанги кун ҳақида тахмин ҳам қилишолмади. Бу ҳол уларнинг ҳали тажрибасизлиги, фақат ҳозирги кунини ўйлаб яшашидан бўлса эҳтимол.

Иккинчи гуруҳдагиларнинг бир қисми ҳозирда озиқ-овқат савдоси ва уни ишлаб чиқариш сердаромад эканини ва мазкур жараён узоққа чўзилишини айтишди. Бу ҳол уларнинг рўзғор ташвишида юрадиган ёшда эканликларидан бўлса керак. Шу гуруҳдагиларнинг айримлари эса бугунги кунда турли касблар, хусусан қурувчилик, савдо, ишлаб чиқариш, маиший хизмат (айниқса автомобиллар, телерадиоаппаратураларни таъмирлаш), хорижий тилларни ўргатиш соҳаларини кўп фойда келтирадиган деб ҳисоблашларини билдиришди. Кейинчалик эса бу касблар бир-бирини мунтазам алмашиб туришини айтишди. Уларнинг жавобларидан хулоса қилиб, бу одамлар шу пайтгача бир-икки касбда ишлаб кўрган, турли ишларнинг баланд-пастини тотиб улгурган, пухта ўйлаб иш тутадиган эканликларини билиш мумкин.

50 ёшдан ошган учинчи гуруҳга мансуб одамларнинг бир қисми бугунги сердаромад соҳа, дея бир неча касбларни айтишди. Соҳаларнинг кўпи ҳунар эди. Эҳтимол бундай жавоб сўралганларнинг ёши катталиги, ҳаёт тажрибаси кўплиги, мулоҳазакорлиги сабаблидир. Чунки ҳунар ҳақиқатан ҳам туганмас бойлик, ҳунарманд эса ноёб инсон. Бу гуруҳда сўралганларнинг айримлари ҳозирда сердаромад соҳа дея аниқ бир ишни айтишмади, кўп фойда топиш одамнинг ўзига боғлиқлигини таъкидлашди холос. Уларнинг фикрига қўшилиш мумкин. Ҳолбуки, собиқ Иттифоқ даврида одамларнинг даромади асосан қатъий белгиланган ойлик бўлгани сабаб қайси касбда қанча пул топиш мумкинлигини олдиндан айтиш қийин эмасди. Шунга кўра касб танлашда одамларда аксарият иккиланишлар бўлмас эди. Эндиликда эса қанча пул топиш қандай иш билан шуғулланишга эмас, балки одамнинг қобилиятига, меҳнатга бўлган муносабатига боғлиқ.

Ушбу жузъий маълумотларни келтиришдан мақсад одамларга бугунги кунда қайси соҳа сердаромад эканини англатиб қўйиш, уларни шу ишга жалб этиш эмас. Ундаги фикр ва хулосалар кимларгадир асқотса, касб танлашда уларни мулоҳаза қилишга чорласа ҳам катта гап. Чунки сердаромад соҳа билан қанча кўп одам шуғулланса, шунча яхши. Бундан ўша одам ҳам, жамият ҳам манфаат кўради. Бу ҳол рақобатга, рақобат эса тараққиётга олиб боради.

*Абдумалик АБДУРАҲМОНОВ.*

---

**_«Ўзтемирйўлтаъмирмаш» бирлашмаси тепловоз ва вагонларни таъмирлаш ҳамда уларга эҳтиёт қисмлар етказиб бериш бўйича Марказий Осиёда ягона корхона ҳисобланади. Яқинда биз ушбу бирлашмада бўлиб, унинг бош директори Очил Раматов билан суҳбатлашдик._**

*Саноат*

# ЖАҲОН АНДОЗАЛАРИДАН ҚОЛИШМАЙДИ

— Ўтган йили бизнинг асосий вазифамиз — республикамиз ҳудудида жойлашган темир йўллар учун зарур бўлган тепловоз вагонларини таъмирлаш ва уларни керакли эҳтиёт қисмлар билан таъминлашдан иборат бўлди. Бундан ташқари корхона Қозоғистон, Қирғизистон, Тожикистон темир йўл идоралари буюртмаларини ҳам бажариб турди. Бу қардош республикаларнинг тепловоз ва вагонларини ҳам жорий таъмирдан чиқариб бердик.

Ўтган йили 1 миллиард сўмлик иш бажардик. Бу олдинги йилга қараганда 23 фоиз кўпдир. Шунингдек Ҳамдўстлик Давлатлари учун валюта ҳисобида таъмирлаш ишларини бажариб бериш ҳисобига ҳам яхши даромад оляпмиз.

Корхонамизнинг қуюв цехининг довруғи жуда ҳам машҳур. Чунки бу ерда мавжуд бўлган анжом ва дастгоҳлар ҳатто Россия корхоналарида ҳам йўқ десак хато бўлмайди. Шунинг учун ҳам биз бу цехда ҳар қандай мураккаб қисмни хоҳ у чўян, хоҳ пўлатдан бўлсин, жаҳон андозаларига мос, сифатли тайёрлаб беришимиз мумкин. Эҳтиёт қисмлар учун ишлатиладиган мосламалар шу цехда қуйма ҳолида тайёрланади ва улар бироз синовдан ўтгач тайёр деталларга айланади. Тайёрлаш технологияси жаҳон андозаларидан сира қолишмайди.

*Илҳом ШЕРМУҲАМЕДОВ.*



*«Тошкент эшилган маҳсулотлар фабрикаси» ҳиссадорлик жамияти калавалаш ускунасининг бошқарувчиси Раъно Бозорова ўз соҳасининг устаси саналади. Кўп йиллардан бери меҳнат қилаётганлиги сабабли ёшларнинг устози ҳамдир.*

*СУРАТДА: Раъно Бозорова.*

*Усмон Усмонов олган сурат.*

---

**_Ўтган ойда одат бўйича шаҳар табиатни ҳимоя қилиш қўмитамиз назоратчилари бир қатор корхоналарда текширув ишлари ўтказдилар. Яна ҳар галгидек яхши манзаралардан кўра кўпроқ нохуш оқибатларга дуч келдик._**

*Текширув*

# НОХУШ МАНЗАРАЛАР

Шундай қилиб:

«Рапелия-сервис» хусусий фирмасини кўздан кечирганимизда у автомобилларни таъмирлаш ва ювиш билан шуғулланиши маълум бўлди. Ювиш жойи, таъмирлаш майдонларини ёғ босиб кетган. Ишлатилган сувлар, ёғлар ташланадиган ўраларнинг аҳволига қараб бўлмайди. Улар ер ости сувларини яроқсиз ҳолга келтириши табиий. Ўз ишига лоқайд қараган фирма директори Г. Отахоновга 1800 сўм;

«Умид» ҳиссадорлик жамиятининг компрессорлари атрофида, қозонхонада металларни қайта ишлаш цехидаги дастгоҳлар остида мўл-кўл ер ости сувларини ифлослантирадиган мойлар сочилиб ётганига гувоҳ бўлдик. Мутасадди Ш. Раҳимовга шу сабаб 600 сўм; чиқиндиларни ўз вақтида олиб кетилишини таъмин этмагани учун участка бошлиғи У. Эргашевга 600 сўм;

2-мева-сабзавот комбинатида қудуқдан сув олиш қоидаларига, унинг атрофини ўрашга сувдан фойдаланиш йўл-йўриқларига мутлақо амал қилинмайди. Сув сақланадиган жой рухсатсиз қурилган. Қўмитамизда расмийлаштирилмаган, тегишли ҳужжатлари йўқ. Бош муҳандис ўринбосари Б. Хўжаевга 600;

4-иссиқлик марказида оқава сувларга қора мойлар аралашиб кетган. Бутун ҳудуд ифлосланган. Бошлиқ В. Дукинга 1800 сўм;

«Подъёмник» ҳиссадорлик жамиятининг «Б» ва «В» ҳудудлари, ёнилғи омбори ҳамда гермит устахонасида ишлатилган мойлардан ер ялтириб ётибди. Чиқинди сақланадиган ўранинг эса қопқоғи йўқ. Бу ҳолда нефть маҳсулотлари билан ер ости сувлари ифлосланиши турган гап. Шу сабабли ОМТС бошлиғи Т. Гусейновга 600 сўм;

«Рангли-лок» корхонасида атмосферага қорамой ёқилгандаги тутун, қурумлар йўл қўйилган меъёрдан ошиқ доимий равишда чиқариб келинган. Шунинг учун қозонхона бошлиғи ўринбосари С. Ёрмоновга 600 сўм;

«Гўштсутсавдо» ишлаб чиқариш бирлашмасини текширганда атмосферага йилига 219 тонна зарарли моддалар чиқиши аниқланди. Бунинг устига тегишли рухсат ҳам олинмаган. Шу сабабли бош муҳандис Б. Курисовга 1650 сўм жарима солинди.

Шу билан иш битди деб ўйлаган мутасадди ўртоқлар янглишадилар. Жарима йўл қўйилган қоидабузарликлар учун тўлов. Она шаҳримиз табиатини ҳеч қандай жарималар ҳимоя қилолмайди. Шаҳримизни бизнинг муҳаббатимиз, табиатга бўлган меҳримиз ҳимоя қилади. Буни асло унутмайлик.

*Наргиза ЁДГОРОВА, шаҳар табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси экологик тарғибот бўлими етакчи мутахассиси.*

